УДК 316.342

АХБОРОТ МАДАНИЯТИ МУАММО СИФАТИДА

З. Ш. Ҳамидов, Н.З. Ҳамидов

Мақолада ахборот маданияти ва унинг ҳозирги глобаллашув давридаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Ёшларда ахборотни танлаш, унга танқидий ёндашувнинг етишмаслигига сабаб бўлувчи ижтимоий омиллар тадқиқ этилган. Жамиятда ахборот маданияти етишмаслиги туфайли юзага келадиган ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш учун республикада кенг миқёсда олиб борилаётган профилактик ишлар қайд этилган. Шунингдек, ахборот маданиятини эгаллаш ҳаётий зарурат эканлиги асосланиб, муаллиф томонидан бу борадаги қатор таклиф ва тавсиялар ҳавола этилган.

Калит сўзлар: *ахборот маданияти, ахборот тизими, ахборот ресурслари, ижодий тафаккур, ахборот иммунитети, касбий ахборот маданияти.*

В статье рассматривается информационная культура и её особенности в современную эпоху глобализации. Исследуются социальные факторы, являющиеся причиной недостаточности культуры отбора и критического отношения к информации. Освещены проводимые в республике профилактические работы по предотвращению социальных проблем, вызываемых невысокой информационной культурой. Обоснована жизненная необходимость овладения информационной культурой, выработаны конкретные предложения и рекомендации.

Ключевые слова: *информационная культура, информационная система, информационные ресурсы, творческое мышление, информационный иммунитет, профессиональная информационная культура.*

Маънавий ҳаётнинг бирон бир соҳаси йўққи, маданият тушунчаси ўз ичига қамраб олмаган бўлсин. Кийиниш маданияти, муомала маданияти, раҳбарлик маданияти, деҳқончилик маданияти, ишлаб чиқариш маданияти ва ҳ.к. Глобаллашув, модернизациялашув ва ахборатлашувнинг шиддатли, кенгқамровли ва шитоб билан илгарилашуви маданият тушунчасининг ҳам мазмунмоҳияти, тузилиш-таркиби, қамрови, функцияларидаги жиддий ўзгаришларга сабаб бўлди. “Ахборот маданияти” тушунчасининг пайдо бўлиши ва атамалар тизимида мустаҳкам ўринга эга бўлиши мана шу туб ўзгаришларнинг маҳсули дейиш мумкин.

“Ахборот маданияти нима?” деган бир қарашда жўн ва айни пайтда ҳамма учун тушунарлидай туюлган савол ҳозирча илмий нуқтаи назардан ўз ечимини топган эмас. Тўғри, мазкур тушунчанинг турли жиҳатларини ифодаловчи ўнлаб таърифлар бор. Лекин умум қабул қилинган таъриф йўқ. Умумий маънода “ахборот маданияти” оддий мурожаат, ҳол-аҳвол сўрашишдан тортиб энг юқори даражада интеллектуаллашган муносабатларда, мулоқотларда ҳам намоён бўлади. Муайян меъёр ва тамойилларга амал қилган ҳолда замонга мос равишда ўзгариб, такомиллашиб боради.

Ахборот маданияти инсоннинг информация олишдаги маданиятини шакллантиради ва ривожлантиради. Инсонни оғир, баъзан мазмунсиз жисмоний меҳнатдан халос қилади, унинг самарадорлигини кучайтиради[1.Б. 479]. Ишлаб чиқаришда маълумот ва малака даражаларининг ўсишига, малакали ходим бўлишига асос бўлади. Меҳнат ижодий фаолиятга айланади, инсон қобилияти, истеъдодининг чексиз имкониятларини юзага чиқаради.

Ҳозирги ахборотлашган жамият, оммавий коммуникациялар даврида ахборот тизими – якка ахборот воситалари, гуруҳ ахборот воситалари, оммавий ахборот воситалари – ёш боладан тортиб умри ниҳоясига етиб бораётган кексаларни ҳам ўз домига тортган, ҳаёти, турмуш тарзининг таркибий қисмига айланган.Ҳар бир одам – ёшидан, жинсидан, маълумотидан, ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, мунтазам равишда ахборот қабул қилади, уни қайта ишлайди ва узатади. Бу жараён, яъни ахборот алмашинув шу қадар эркин, ихтиёрий ёки ихтиёрсиз, тартибли ёки тартибсиз, мақсадли ёки мақсадсиз, тез, ранг-баранг ва кенг қамровлики, унинг бутун борлиғини англаш, назорат қилиш, бошқаришнинг умуман иложи йўқдек. Таниқли ёзувчи, олим Хуршид Дўстмуҳаммаднинг таъкидича: “Икки дунёни бир қадамга айлантирган ҳам ахборот, глобаллашув жараёнлари махражи, устқурмаси ҳам ахборот. Замонавий тараққиёт, фаровонлигу фароғатнинг нони, суви, ҳавоси ҳам шу!” [2].

Ҳозирги ахборотлашув замонида ахборот ресурслари шу қадар кўп ва залворлики, агар шундай ўхшатиш ўринли бўлса, одамни “кўмиб” ташлаяпти, у турли-туман фойдали ва фойдасиз маълумотлар гирдобида қолмоқда ҳамда уни ўқиб, уқиб, “ҳазм қилиш”, таҳлилий ўзлаштириш тобора қийинлашмоқда, улардан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб, “топилма” оддий SMS даражасидаги хабар вазифасини ўтамоқда. Парадоксли ҳолат шундаки, ахборотлар уюмида қолган одам ахборотга ташналикни, чанқоқликни ҳис қилмоқда. Ҳатто не машаққатлар билан ҳозиргина қўлга киритилган, “ҳали совиб улгурмаган” маълумотлар ҳам унинг эҳтиёжини қондира олмай қоляпти. Бу, энг аввало, янгиликка ўчлик, олинган маълумотларнинг янада асослироқ ва мукаммалроқ бўлишига табиий интилиш, ўз билим даражасини ошириш, дунёқарашни кенгайтириш эҳтиёжи туфайлидир.

Интернетда хабар тарқатувчилар турли мақсадларни кўзлайди: баъзилар ўқувчисининг билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, кимдир ғаразли мақсадларда, яна кимдир омманинг шов-шувли, енгил-елпи миш-мишларга ўчлигини қондириш учун, айримлар эса шунчаки эрмак учун бу иш билан шуғулланади. Кўпчилигининг асосий мақсади ахборот ресурслари кўламини кенгайтириш ҳамда ўз “топилмаси”ни зудлик билан “биринчи бўлиб” ўқувчисига етказиш бўлиб қолмоқда. Бу маълумотлар илмий объективлик, холисликка асосланганми, керакли-кераксиз экани, фойдалими ёки зарарли эканлиги, энг муҳими, тақдим қилинаётган мазкур хабарлар инсон билими, маънавий дунёсини бойитадими – бу иккинчи даражали масала бўлиб қолмоқда. Энг ёмони, ачинарлиси фойдасидан зиёни зиёд хом-хатала, ёлғон-яшиқ, олди-қочди “хабарлар” ўқувчининг шундоқ ҳам танқис вақтини зое қилмоқда, билим даражасига, савиясига, дунёкарашига салбий таъсир этмоқда, таҳлилий қобилиятини “ўлдирмоқда”, асосли мулоҳазалар, теран ҳаётий хулосалар, ижодий тафаккур ўрнини элементар фикрлаш эгалламоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарларга мойилликни кучайтирмоқда, асрлар давомида эъзозланиб келинган ўзбекона қадриятларимизга путур етказмоқда.

Айни пайтда одамларда “ақллилик балоси” иллати кучайиб бормоқда, ўзини “доно” ҳисоблаб, суҳбатдошини тинглаш маданиятини унутаётган “билимдонлар” сафи кенгаймоқда.

Инсоннинг орзулари унинг келажагини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин. Бироқ айрим йигит-қизларнинг мамлакатимиз ҳаётида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиши у ёқда турсин, ҳатто ўзининг эртанги куни ҳақида аниқ тасаввури ҳам йўқ. Бу уюшмаган, яъни ўқимайдиган, ишламайдиган, тайинли машғулотга эга бўлмаган, лоқайд, салбий таъсирларга берилувчи ёшларнинг ҳар бири – жамият учун чинакам муаммо. Фактларга мурожаат қилсак: 2018 йилнинг олти ойида Қашқадарё вилоятида жиноят содир этган ёшларнинг 70 фоизини ўқимайдиган ва ишламайдиганлар ташкил этган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 57, Сурхондарёда 43, Жиззахда 42 фоизга тенг.

Худди шу даврда жами 371 ўқувчи жиноят содир этган. Тошкент шаҳрида бошқа вилоятлардан келиб, қаровсиз ва назоратсиз юрган 1700 га яқин вояга етмаганлар аниқланган, уларнинг 500 нафари мактаб ва 670 нафари коллеж ўқувчиларидир [3]. Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг қўшма йиғилишида битта туманда содир этилган жиноятлар умумий жиноятларнинг 38,3 фоизини ташкил этганлиги ҳақида сўз боради [4]. Бу ўта жиддий хавфдир. Бугун бундай ёшларимиз ғоявий тарбияга, ахборот иммунитетига қанчалик муҳтож бўлса, аҳолининг ижтимоий фаол меҳнатдан, таълимдан ташқаридаги қисми бундай тарбияга янада муҳтожроқ. Ғоявий мухолифларимиз нафақат фаол интернет аудиториясининг, балки ана шундай “эътибордан четдаги”ларнинг ҳам тафаккури ва майлларини ўз мақсадлари йўлида хизмат қилдиришга зўр бериб уринмоқдалар. Уларни ўзлари ҳам англаб етмаган номаълум тараққиёт йўлидан мавҳум манзилга боришга ундамоқдалар.

Мураккабдан-мураккаб, серқатлам ахборот алмашинув шароитида холис, одамни мушоҳадага чорловчи, тўғри қарорлар чиқаришга кўмаклашувчи, дунёқарашини кенгайтирувчи, илмий аҳамиятга молик маълумотларга эга бўлиш осон иш эмас. Бу кишидан махсус тайёргарлик, билим, мақсад аниқлиги, турли хил ёт ғоя ва қарашларга нисбатан мустаҳкам иродали ҳамда уларга етарлича раддия бера олиш салоҳияти каби фазилатларни талаб қилади. Руҳий тарбияланганлик ахборот маданиятининг шаклланиши ва равнақида муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли таркибининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёш йигит-қизлар оммавий ахборот воситаларидан энг кўп маълумот олувчи қатламдир. Улар ўзларининг қизиқиши ва имкониятларига кўра газета, журнал, китоб, радио, телевидение, телефон, факс, компьютер, интернет, мобиль телефон каби воситалардан фойдаланиш даражалари коэффициенти жуда юқори. Буларнинг ҳаммаси инсоният томонидан яратилган буюк мўъжизалардир. Замон шиддатини акс эттирган бу кашфиётлар инсоннинг билим даражасини

юксалтиришда, дунёқарашини кенгайтиришда беқиёс роль ўйнамоқда, оғирини енгил, узоғини яқин қилишда энг тезкор ва ишончли ҳамроҳ бўлмоқда. Мобил телефон, интернетнинг афзалликларини айтиб адоғига етиш қийин. Лекин ҳар тўкисда бир айб дегандек, бу ерда ҳам қатор муаммолар мавжуд. Аниқроғи, муаммо техникада эмас, балки ундан фойдаланиш маданиятини эгаллаганлик даражасида бўлиб қолмоқда. Бунда гап ахборот воситаларидан мақсадли ва меъёрида фойдаланиш ҳақида кетмоқда.Ҳозирда ахборот олиш,идрок этиш,тафаккур чиғириғидан ўтказиш(қайта ишлаш) ва узатишга, яъни табиий учлик – яхлит циклга кераксиз ахборотдан қутулиш масаласи муаммоларнинг муаммоси сифатида қўшилди. Бу жараён оммавий ахборот воситаларининг ҳаммасига тааллуқли бўлиб, хоҳлаймизми-йўқми, унинг домига тортилмоқдамиз.

Яна бир салбий жиҳати – одамларнинг, хусусан, ёшларнинг интернетга ружу қўяётганлиги, михланиб қолаётганлигидир. У ўзига оҳанрабодай тортиб, ундан фойдаланувчининг соатлаб ўзи билан мулоқот қилишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат инсоннинг фаол мулоқотдан чекиниб, руҳий яккаланишга, биқиқлашишга олиб келмоқда. Ҳолат шу даражага етмоқдаки, овқатланиш, иш, ўқиш, ўзаро суҳбат, ҳатто кийиниш пайтида ҳам кўзи телевизорда,қўлида мобил телефон, қулоғида наушник. Ота газета, журнал варақлайди, она сериал кўриш билан банд, болалар ҳам ўз севимли “ахбороти” билан машғул. Кўрган, ўқиган, эшитган “нарса”сини оилавий таҳлил қилишга вақт йўқ ёки бири олган ахборотнинг иккинчисига умуман қизиғи йўқ. Бу оилавий, жамоавий ҳамжиҳатлик, якдиллик, ҳамфикрликнинг таназзулига реал сабабдир. Бундай индивидуалликка мойиллик оилавий муносабатларга, миллат менталитетига, жамият маънавий ҳаётига салбий таъсир этмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Интернетдан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги ахборот олиш ва ундан фойдаланиш маданиятидан бехабар бўлиб, қаердан нимани, қандай маълумотни олиш кераклигини, унинг ишончлилик даражасини билмайдилар, “кўзига илашган” хабарларнинг ҳаммасини бир чеккадан қолдирмай ўқийверадилар. Натижада сайтлардаги керак-нокерак, холис-нохолис, рост-ёлғон хабар ва маълумотлар онгига кўчиб, қалбини эгаллаб, дунёқарашига таъсир қилади. Мазкур ҳолатда бу ахборотларнинг ижобий таъсиридан кўра кўпроқ салбий таъсир этиши кузатилаётгани бор гап. Ҳозирги кунда энг оммабоп сайтлар – daryo.uz ва kun.uzдаги энг кўп ўқиладиган хабарлар қуйидагича: “Хонанда...нинг собиқ турмуш ўртоғи уйланди”(20305 марта ўқилган), “Эстрада юлдузи...ўз суратлари тарқалишида ...ни айблади”(23533марта ўқилган), “Хонанда ...собиқ турмуш ўртоғининг уйланишига муносабат билдирди”(10278марта ўқилган) ва ҳ.к. Қиёслаш учун берилган маълумотда кўрсатилишича, таҳлилий-маърифий материаллар бериладиган “Хуршид Даврон кутубхонаси” сайти (kh-davron.uz)да Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асаридан Алишер Навоийга бағишланган қисми 67, Н.Комиловнинг Навоий ҳақидаги мақоласи 68, М.Беҳбудийнинг ёшларга бағишланган асарлари 82 марта ўқилган. Мухбир мазкур ҳолнинг сабабини Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврондан сўраганида, у бу табиий ҳол эканини айтиб, ўз мулоҳазасини билдирган: “... сиз буларни кам деяпсиз, лекин ҳажман қорин мия ё юракдан каттароқ эканини ҳам унутманг-да. Албатта, бу ҳазил. Бироқ нима демайлик, одамзод учун бугун ҳам бирламчи мақсад – қорин ғамидир.

Сиз айтган ўз-ўзини таҳлил қилиш – хослар, яъни ҳаётдан маъно излашга қодир инсонлар иши. Содда бўлманг, омма ҳеч замонда бу билан машғул бўлган эмас.

Аммо халқнинг ҳаётга муносабати ўша давр зиёли қатламининг, кучли ижодкор шахсларнинг фаолияти, ғоялари, асарлари ва улардаги қаҳрамонларнинг ижтимоий позицияси таъсирида шаклланади. Алишер Навоий, Вольтер, Лев Толстой, Маҳатма Ганди каби алломалар фаолиятининг жамиятга таъсирини мисол келтириш мумкин” [5].

Маълумки, ёшлар ўз табиатига кўра қизиқувчан, ташаббусга интилувчан, ўта таъсирчан, жўшқин ва эҳтиросли дир. Уларда инқилобий руҳ кучли. Бежиз эмаски, дунёда юз бераётган талотўплар, оммавий чиқишларда уларнинг салмоғи анча юқори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида (2017 йил 19 сентябрь) дунёда халқаро терроризм ва экстремизм таҳдидлари кучайиб бораётганини, шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканини уқтирар экан, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганига, бугун дунё ёшлари сон жиҳатдан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод, яъни 2 миллиард кишини ташкил этаётганига эътиборни қаратди. Президентимиз ўз фикрини давом эттириб айтдики: “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўровонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади" [6].

Буюк рус ёзувчиси Лев Толстой: "Нима яхшилигини билиш учун ниманинг ёмонлигини, нима қилиш кераклигини билиш учун нима қилмаслик кераклигини билиш керак", деб уқтирган экан [7]. Бу тамойил ахборот маданиятини эгаллашга ҳам тўла тааллуқлидир.

Ривожланган мамлакатларда ахборотлашган жамият шаклланишида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тизимли тарзда ўрганиш аллақачонлар бошлаб юборилган. Жумладан, ахборотлашган жамиятда инсонни ҳаётга махсус тайёрлаш зарурати нуфузли халқаро ташкилотларнинг йиғилишларида кенг муҳокама қилиниб, махсус дастурлар қабул қилинмоқда. ЮНЕСКОнинг "Ахборот ҳамма учун" дастури қабул қилинган, ИФЛАнинг "Ахборот саводхонлиги" бўлими фаолият юритмоқда. Бу халқаро ташкилотлар фаолиятида ахборот маданиятига тизимли танқидий ёндашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, кераксиз ахборотдан халос бўлиш муаммоси амалий тарзда ҳал қилинмоқда, янгидан-янги самарали усул ва воситалар ишлаб чиқилмоқда. Информатика, медиаэтика, медиатаълим, ахборот маданияти асослари, ахборот психологияси каби фанлар ўқитилмоқда. Соҳага оид илмий марказ, муассасалар тузилиб, уларда етук олимлар, мутахассислар фаолият юритмоқдалар, фундаментал таҳлилий асарлар, лойиҳалар яратмоқдалар.

Ўзбекистонда кераксиз ахборотлардан, айниқса, зўровонлик, фаҳш ва жангариликни тарғиб-ташвиқ қилувчи кўрсатув, эшиттиришлардан ҳимояланиш бўйича сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий ва профилактик тадбирларни ташкил қилиш, турли усул ҳамда воситаларни янада такомиллаштиришни тақозо қилинмоқда. Бу борада республикада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги бир ярим йил ичида мамлакатда мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланиб улгурди, давлат ва жамоалар миқёсида олинаётган ахборотларнинг мазмун-моҳияти, савияси, ғоявий хавфсизлиги масаласини ҳал қилишда тизимли ёндашувга эътибор бирмунча кучайди. Республикамиз оммавий ахборот воситаларида, олимларнинг илмий изланишларида зикр қилинаётган масаланинг ўта жиддийлиги ҳақида бонг урилмоқда. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Ахборот маданияти – ҳаётмамот масаласи" номли мақоласида глобал ахборот маконида рўй бераётган жараёнларнинг шиддати ва қудрати ҳақида фикр билдирилиб: "Соғлом ақл-идрок ва мантиқдан келиб чиқилса, ҳозирданоқ тўртинчи тўлқин ахборот одоби, маданияти тамаддуни, деб номланиши бирдан-бир тўғри ҳамда оқилона чора эканлигини кўрсатади. Ҳа, эндиликда одамларнинг, оилаларнинг, миллий қадриятларнинг – инсониятнинг ривожи, фароғати ва истиқболи мазкур халоскор маданиятга бевосита боғлиқ бўлиб қолди" [2], дейилади[1].

Ёшлар тарбияси, шу жумладан, ахборот маданияти тарбияси, айниқса, кейинги йилларда давлатимиз сиёсатида устувор мақомга кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида: "Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда ...кўплаб болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани – бу ҳам бор гап.

Албатта, биз Интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан, электрон китобхонликни кучайтириши зарур.

Нега деганда, биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз" [8].

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари боис Ўзбекистон ёшлар иттифоқи – мамлакатимизда ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган мутлақо янги ташкилот тузилди, унинг мақоми белгиланди, ҳуқуқий, моддий ва маънавий асослари мустаҳкамланди. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Ўзбекистон ёшлар иттифо-

[1] Америкалик машҳур файласуф олим Э.Тоффлер "Учинчи тўлқин" асарида "постиндустриал жамият"га ўтиш манзарасини ёритар экан, инсоният уч цивилизация тўлқинини: аграр, саноат ҳамда ҳозирги ахборот цивилизациясини бошдан кечираётгани ҳақида фикр юритади, бугунги кун учун радикал, янги бўлган ва келгуси авлод ҳаётини тубдан ўзгартирадиган ахборотлашган жамият унсурларини баён қилади. Қаранг: Тоффлер Э. Третья волна. –Москва: АСТ, 1999.

қи матбуот клуби – Ёшлар халқаро пресс-клуби, “Ёшлар нашриёт уйи” кабилар ташкил қилинди, 30 июнь “Ёшлар куни” сифатида нишонланди.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида Ёшлар иттифоқининг фаоллиги кучаяётгани, жойларда, айниқса, олий ўқув юртларида,терроризм, экстремизм, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб бораётган тадбирлари тизимли ва натижадор бўла бошлагани диққатга сазовор.

“Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар порталида барча таълим муассасаларида маънавий-маърифий тизимни янада яхшилаш ҳақида петиция пайдо бўлганлиги қувонарли ҳол. Унда ўзбек менталитетига мос бўлмаган, миллий қадриятларимизга зарар етказадиган ғоявий ҳамда мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш, ёш авлод онгида миллий маънавиятимиз,шонли тарихимиз ва аждодларимизга нисбатан фахрланиш туйғуларини янада мустаҳкамлаш мақсадида барча таълим муассасалари учун мослаштирилган дарсликларни ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Мурожаат муаллифининг фикрича, булар қуйидагилар: 1. Миллий тарих. 2.Миллий маънавият. 3.Миллий маданият. 4.Интернетдан фойдаланиш маданияти. 5.Этикет қоидалари деган услубий-амалий дарсликлар ва уларнинг аудио-видео, электрон шакллари [9].

Ўзбекистонда ёшга оид тоифа белгиси бўлмаган ахборотни тарқатиш тақиқланди. Бу бўйича “Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинди (2018 йил 22 октябрь). Қарор билан ахборот маҳсулотларининг ёшга оид таснифларини аниқлаш мезонлари ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Шу кунларда республикамизда жуда яхши анъана бошланди: ёшларни китоб мутолаасига қайтариш. Республика ва маҳаллий раҳбар ташкилотларнинг бу соҳадаги саъй-ҳаракатлари эътиборга сазовор. Аҳоли, энг аввало, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида юртимизда “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳалла”, “Энг китобхон оила” каби йўналишларда танловлар ўтказилиб, ғолибларга қимматбаҳо совғалар, ҳатто, ўлкамизда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналарнинг ҳадя қилиниши қувонарлидир. Ўзбекистоннинг барча мактабларида “Китоб ҳафталиги” ташкил этилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари кўчаларида саховатли ташкилотлар ва инсонлар томонидан хайрия сифатида ташкил этилган ихчам ва расмиятчиликсиз муқим ёки кўчма кутубхоналарнинг фаолият юритаётгани улуғ ишлардан бўлди. “Китоб олами” дўконлари тармоғи кенгайди, хизмат сифати яхшиланди. Ёшлар иттифоқи тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда таълим муассасалари эҳтиёжларини ўрганиб, уларни бадиий, соҳавий, илмий китоблар билан бойитишга беғараз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу ҳол ўсмир-ёшларнинг китоб ўқишга рағбатини ошираётганини яққол намоён қилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа бир қатор ижобий ҳаракатларнинг шахс ахборот маданиятини юксалтириш борасидаги изчиллиги, таъсирдорлиги, самарадорлигининг таъминланиши кўп жиҳатдан қуйидаги вазифаларнинг уйғунва яхлит амалга оширилиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ:

- ёшларнинг бўш вақтлари мониторингини юритиш, уларнинг ахборот маданиятини шакллантириш ва юксалишнинг анъанавий ва ноанъанавий усулларидан самарали фойдаланиш имкониларини излаб топиш;

- ижтимоий-гуманитар фанларнинг ёшларни миллий менталитетимиз руҳида тарбиялашдаги, жамиятнинг умуминтеллектуал салоҳиятини, шу жумладан, ахборот маданиятини оширишдаги фаол ва беқиёс имкониятидан тўлароқ фойданиш;

- умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасига “Ахборот маданияти асослари”, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўқув режасига “Касбий ахборот маданияти” фанларини киритиш мақсадга мувофиқ;

- Ёшлар иттифоқи ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлашга, уларнинг мазкур соҳадаги муаммоларини ҳал этишга эътиборни янада кучайтириши, бунда янгича ёндашувлар ва воситалардан самарали фойдаланиш муҳим;

- ота-оналар, хонадон соҳиблари, айниқса, пиру бадавлат отахону момахонлар “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган нақлга ҳамда “Ўз болангни ўзинг асра!” даъватига амал қилиш зарурати ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолганини чуқур англаб етишлари керак;

- таълим тизимининг барча босқичларида жамоатчилик кенгашлари, жумладан, ҳомийлар, ота-оналар кенгашлари, маҳалла қўмиталари билан бевосита ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш орқали профилактик тадбирларни кучайтириш;

- ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш, уларни театр, музей ва бошқа маданий-маърифий масканлар, спорт мусобақалари, илм-фан, спорт ва амалий санъат тўгаракларига фаол жалб қилиш йўли билан бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш;

- нотинч оилада яшайдиган, жиноятчиликка мойил, диний ақидаларга берилган, ҳаётдан норози, турли хил ярамас иллатлардан холи бўлмаган, шу жумладан, интернет-кафе, мобиль телефонларга ружу қўйган, буни ўз ҳаёт тарзига айлантирган, ўз

жонига қасд қилиш эҳтимоли бор ёш йигит-қизларни махсус ўрганиш ҳамда улар билан индивидуал ишлашни ташкил қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш;

- зарарли, кераксиз ахборотлардан халос бўлишни тизимли ташкил этишда, ахборот иммунитетини кучайтиришда маҳаллий ёшлар ташкилотлари салоҳиятидан кенг ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

- хорижий давлатлар ютуқлари асосида ўзбек халқаро журналистикасининг республикада ахборот маданиятини ривожлантиришдаги ўрни ва ролини кучайтириш;

- ёшларнинг ўткир ва долзарб муаммоларини кўтариб чиқувчи, уларни ўз вақтида ва тўла ечимини топишга амалий кўмаклашувчи ёшлар матбуот маркази-клубини ташкил этиш;

-шахснинг ахборот маданиятини юксалтириш масаласига концептуал ёндашувни тарбиялаш, интернет маълумотларига танқидий таҳлил асосида муносабатда бўлиш имкониятини кучайтиришини назарда тутиб,журналистларнинг оммавий ахборот воситаларида таҳлилий материалларни мунтазам ва кенг қамровли бериб боришига эришиш;

- ёшларда мустаҳкам фуқаролик позицияси, кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасида ягона стратегияни ишлаб чиқиш олдиндаги энг муҳим долзарб вазифалардандир.

Адабиётлар

1. Шермуҳамедова Н. Ахборот ва ахборотлашувнинг фалсафий асослари // Шермуҳамедова Н. Фалсафа.– Тошкент: NOSHIR, 2012. – Б. 468-492.

2. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот маданияти – ҳаёт-мамот масаласи // Халқ сўзи, 2018 йил 5 июнь.

3. Мирзиёев Ш. Эртасини ўйлаган мамлакат ёшларини эътиборсиз қолдирмайди // Халқ сўзи, 2018 йил 5 июль.

4. Эҳсонов Э. Ёшлар тарбиясида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди // Халқ сўзи, 2018 йил 21 ноябрь.

5. Ёқубов У. Мия кенгми ё қорин?! //Оила даврасида, 2016 йил 17 март.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи (2017 йил 19 сентябрь) // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.

7. Қувватов Н. Мақсадга етишнинг етти шарти //Маърифат, 2002 йил 21 август.

8. Мирзиёев Ш.Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир //Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль.

9. Умаров Р.А. Барча таълим муссасаларида маънавий-маърифий тизимни янада яхшилаш ҳақида [Интернет манба]. https://meningfikrim.uz/uz/petitions/view/1817 (Мурожаат этилган сана: 26.12.2018).

10. Ёқубова М. Фан ахборотлашувининг жамият ривожидаги ўрни. – Тошкент: Стар-Полиграф, 2010. – 180 б.

IINFORMATIONAL CULTURE AS A SOCIAL PROBLEM

Z. Sh. Hamidov[1], N. Z. Hamidov[2]

Ilmiy xabarnoma. Научный вестник – 2019. №2. 5–11.

1,2Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: informational culture, informational system, information resource, information hash, creative thinking, information immunity, professional informational culture.

The article outlines the role of informational culture in dealing with the information in current digital society spread through media and communication resources. The culture as a notion covers a number of social spheres including: greetings, dressing, managing, peasantry, production and etc. In its turn Globalization also reflects changes in the notion, forms and content of the notion of culture. Moreover, the notion “informational culture” has not been outlined thoroughly by researchers yet. In general understanding the notion of “informational culture” covers from formal respond till communication which is characterized by high intellectuality and mainly deals with the thirst of people for new information.

Present day digitalized society, consisting of individual, community or mass forms by means of media devices, covers both young and old social members. The informational society equally unites humanity despite age, gender, nationality, religious belief. Hence there arises the problem of informational culture as a globalized threat. As huge amount of information simply “digs” the man in direct meaning. And it brings the problem to select and reduce the amount of information surrounding the men. In this context developing the informational culture can be a good source for the notion which outlines the content and necessity of the information. Thus, the information sources can not satisfy men’s thirst for information. So in most cases the

information loses its actuality or freshness. In this context social net works and internet play an important role both in receiving and spreading the information. However, in this role social network even exceeds the mass media devices in audience, which covers all ages and genders equally and in freshness of the information content.

Furthermore, we must use such kind of advantage of social net work in useful and meaningful stream by developing the informational culture. Informational culture usually controls the content of information; adopts social measures and legalizes them. For instance, the information touches upon lives of celebrity stars: divorce matters (watched 20305 times), picture scandals (watched 10278 times), while contents bearing moral and educational characteristics ofbooks by Navoi (watched 67 times), articles devoted to fictions of greatest writers (watched not more 60 times). In this respect a well known Uzbek writer Hurshid Davron responded to the matter saying “men’s stomach is rather bigger than his brain”. So they all serve moral sphere.

The society needs to control the content of information spreading through communication devices, although it can be characterized as a censorship. The management wins vitality, when there rises spreading information bearing terrorism, violence scenes, human humiliation and other negative content. Informational culture develops basing on literature, patriotism, moral and spiritual matters.

References

1. Shermuhammedova, N. (2012) Axborot va axborot globallashuvinining falsafiy asoslari [Philosophical basis of information and information globalization] In: Falsafa [Phylosophy]. Tashkent: Noshir. pp. 468-492.

2. Do`stmuhammad, X. (2018) Axborot madaniyati – hayot-mamot masalasi [Information culture is a vital problem]. Xalq so’zi. June 5.

3. Mirziyoyev, Sh. (2018) Ertasini o’ylagan mamlakat yoshlarni e’tiborsiz qoldirmaydi [The country thinking of its future pays great attention to the Youth]. Xalq so’zi. July 5.

4. Ehsonov E. (2018) Yoshlar tarbiyasida yo`l qo`yilgan kamchiliklar tanqid qilindi [Shortcomings in the field of education of young people have been criticized]. Xalq so’zi. November 21.

5. Yoqubov, U. (2016) Miya kengmi yo qorin? [Which is bigger brain or belly?]. Oila davrasida. March 17.

6. Mirziyoyev, Sh.M. (2017) O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so`zlagan nutqi [Speech of President Sh.M.Mirziyoyev at the 72-session of UN General Assembly]. Xalq so’zi. September 20.

7. Quvvatov, N. (2002) Maqsadga yetishishning yetti sharti [Seven ways of succeeding the objective]. Ma’rifat. August 21.

8. Mirziyoyev, Sh.M. (2017) Jismoniy va ma’naviy yetuk yoshlar – ezgu maqsadlarimizga yetishda tayanchimiz va suyanchimizdir [Physically and spiritually perfectyoung people are our support and strength in achieving our noble goals]. Xalq so’zi. July 1.

9. Umarov, R.A. Barcha ta'lim mussasalarida ma'naviy-ma'rifiy tizimni yanada yaxshilash haqida [Further improvement of spiritual system at all educational instituties]. [Online]. https://meningfikrim.uz/uz/petitions/view/1817 (Date of Access: 26.12.2018).

10. Yoqubova, M. (2010) Fan axborotlashuvining jamiyat rivojidagi o`rni [Place of science informatization in the development of society]. Tashkent: Star-Poligraf.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Ҳамидов Зокиржон Шокирович – Андижон давлат университети фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Ҳамидов Нодирбек Закирович – Андижон давлат университети инглиз тили фонетикаси кафедраси ўқитувчиси. E-mail: hamidovn@bk.ru.